

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлда
чиқиб босилган.

№ 243 (6.134)

© 1986 йил 22 октябрь, чоршанба

Баҳоси 3 тийин

Ун тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг саккизинчи сессияси

Тошкент Советининг партия группасида

18 октябрь куни сессия очилишидан олдин халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлари партия группасининг йиғилиши бўлди. Уни партия группаси ташкилотчиси, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари

Б. Ф. Сатин очди. Йиғилишда Тошкент шаҳар Совети коммунал хўжалиги бўйича доимий комиссия раиси коммунист-депутат СССР Госстроинга қарашли «Ўзгипро-тажпром» институти директор Н. П. Хикматуллаевнинг ўз депутатлик

вазифасини бажариши тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Ҳисоботни муҳокама қилишда «Центраэнергоремонт» корхонасининг изолировкачиси В. Е. Абалуева, қадоқлаш-ўраш жихозлари тажриба-конструктор О. Р. Лиқ ва технология бюро-

сининг директори П. Ф. Куличенков, Тошкент тўқимачилик комбинати комплекс бригадаси бошлиғи Р. Хожияқбаровлар иштирок этишди. Коммунист-депутат Н. Х. Хикматуллаевга унинг ишида таъкидланган камчилик-

ларни бартараф этиш, ишлаб чиқилган ва тасдиқланган иш планларини: ўз депутатлик вазифаларини бажаришда доимий комиссиянинг барча депутатларини актив иштирок этишини таъминлаш тавсия қилин-

САВДО ИШИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг мажлислар залыда ўн тўққизинчи чақириқ Тошкент шаҳар Советининг саккизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Чилонзор район Совети ижроия комитетининг раиси депутат В. С. Артюшенко сессия раиси этиб, «Тошгирӯш» фабрикасининг тикувчи депутат У. С. Мухиддинова секретари этиб сайланди.

Сессия кўйидаги кун тартибини тасдиқлади: 1. КПСС XXVII съезди қарорлари асосида Тошкент шаҳар аҳолисида савдо хизматининг аҳоли ва уни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида.

2. «1986—87 йиллар кишики шартонда ишлашга тайёргарлик юзасидан комплекс тадбирлар тўғрисида» бешинчи сессия қарорларининг бажарилишининг бориши тўғрисида.

3. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети

доимий комиссиялари составидаги қисман ўзгаришлар тўғрисида.

4. Депутатлик ваколатларини соқит қилиш тўғрисида.

5. Тошкент шаҳар суди аъзолари тўғрисида.

6. Ташкилий масалалар.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари депутат В. П. Плотников «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида Тошкент шаҳар аҳолисида савдо хизмати кўрсатишининг аҳоли ва уни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида» доклад қилди.

Чилонзор район партия комитетининг иккинчи секретари депутат В. М. Рустамов Тошкент шаҳар Совети савдо ва умумий оқатланиш доимий комиссиясининг қўшмача докладини қилди.

Доклад ва қўшмача докладни муҳокама қилишда депутатлардан: Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари Т. М. Аҳмедов, Тошкент экспериментал фурунтура-пластмасса заводининг йўғувчи-сесари Е. П. Макле-

цова, Октябрь райони Совети ижроия комитети раиси Б. С. Дадаев, «Бонапар дунёси» савдо фирмасининг катта сотувчиси Н. С. Листютина, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғи В. Ф. Клапушевский, ошона ва бошқа мебеллар заводи директори С. Т. Мақсудов, Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчи-мотористкаси Г. В. Тохматовлар иштирок этдилар.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Э. А. Ризаев «1986—87 йиллар кишики шартонда ишлашга тайёргарлик юзасидан комплекс тадбирлар тўғрисида» бешинчи сессия қарорлари бажарилишининг бориши тўғрисида ахборот берди.

(Ушбу ахборот тексти газетанинг 3-саҳифасида босилмоқда).

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ташкилий-инструкторлик ишлари бўлимининг мудири А. Н. Ефимов иштирок этди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. П. Плотников докладидан

— Шу йилнинг сентяб-рида, деда докладчи, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари орқали шаҳар аҳолисида му-рожаат этиб, меҳнаткашларга савдо хизмати кўрсати-нишни яхшилаш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳамда тақлиф-ларини билдиришни сўради.

Республика пойтахтида яшовчилар халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия коми-тети илтимосига зўр қизичи-ни, астойдил истак билан муно-сабатда бўлдилар. «Тошкент шаҳар Советининг бўлажак сессиясига» деган белги қў-йилган хатлар бизга, шунинг-дек «Оқшом»лар редакция-сида неча унлаб коллектив-лардан, алоҳида кишилардан келди.

Мақтублардан маълум бў-лишича, чакана савдо тар-моқларига чиқарилаётган озиқ-овқат ва нооziқ-овқат то-варлар сифати, асортимен-ти энг дотзарб масала-лардир.

Масалан, қиқ йилдан зиёроқ партия стажига эга бўлган Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, ҳозирги пайт-да пенсияер Георгий Ва-силевич Горбатов шаҳарда-ги давлат савдоси тармоқла-рида аҳоли катта эҳтиёж се-заётган миллий ноиларни со-тиб олиш муаммоларига қо-лаётганини ташвишланиб ё-зади. У «Гастроном»нинг 22-магазинида бундай ноил-лар фақат кундузи бир соат давомида сотилаётганини таъкидлайди.

Шаҳарда истиқомат қи-лувчи ўртоқ Давидов у аш-диган уй (Навоий кўчаси) а-рофида но-булка маҳсулот-лари сотиладиган учта мага-зин борлигини, лекин улар-нинг бирортасидан ҳам эр-талаб соат саккизда но со-тиб олиш имкони йўқлигини афсусланиб ёзади.

Қўйилган 2 масалада иш-овчи К. Леванова ҳам 18-ма-газинида но-булка маҳсулот-лари асортименти ниҳоятда чекланганлиги, одатда икки ноилда маҳсулот сотиля-ганлигидан шикоят қилди. У бизнинг эътиборимизни сўт маҳсулотлари сифатсиз-лигига, қўйилган массивида пойафзал ва бошлар товар-лари сотиладиган магазин-лар йўқлигига ҳам қаратади.

Барлари ўзларига топири-ган ишни астойдил бажари-лаётганлиқларидир. Шунинг учун бўлка керакни, шаҳри-мизда мармелад, баъзи хо-ларда шарқ ширинликлар, кондитерлик маҳсулотлари топилайди, аслида эса улар ошиб-тошиб ётиши керак.

Муздаймоқ фабрикаси қу-рилгач бу муаммо ниҳоят ҳал бўлди деб ўйлагандик, лекин дуруст ўзгариш рўй бермади, фақат икки-уч тур-даги муздаймоқ чиқаришмоқ-да, холос, деб ҳақли равиш-да ёзади гражданин А. Хар-ченко.

А. Чинаевнинг хатини хотирламлик билан ўқиш мумкин эмас. 28 сентябрь якшанба кўни одамлар Ок-тябрь районидаги 36-магазини эшиги олдида сўт маҳсулот-ларини кўтиб уч соат ту-ришган, ҳожаат чиқаролмай кетишган. Улар магазин му-дирига мурожаат этишган, Чилонзор районида жойлаш-ган сўт комбинатига кўнги-роқ қилишган, афсуски би-роқ натижа чиқаришолмаган. Бу тоифадаги раҳбарларни кишиларга нисбатан бепар-варларча муносабат мутлақо таъвишланмаётганга ўх-шайди.

Халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети ва «Оқшом»лар редакциялари мева сабабот татминоти ёмон аҳволда эканлиги, кишлоқ хўжалиги маҳсулот-лари нархи шаҳар бозорла-рида ҳамон қимматлиги, қа-тор массивларда бундай маҳ-сулотлар билан савдо қилу-вчи магазинлар умуман йўқ-лиги, совет савдоси қондала-ри бузилганлиги, савдо кор-хоналари иш режими ноқу-лайлиги хусусида кўпгина хатлар келди.

Ўртоқ Асқаров шаҳарда савдо қондалари ҳали ҳам бузилганлиги тўғрисида та-швишланиб ёзади, инвалидлар ва пенсияерларга гўш маҳсулотлари сотиш қони-қариси эканлигини таъкид-лайди.

Халқлар дўстлиги микро-районида яшовчилар бўш шиша идишларни қабул қи-ладиган пункт очилишини уч йилдан бўён кутмоқдалар. Савдо бош бошқармаси раҳ-барлари алмаштирилди, аммо бу масала ҳанузгача ҳал бўлгани йўқ. 26-магазин му-дир А. Қосимов турли ва-ж-корсонларни пеш қилган ҳолда бўш шиша идишларни қабул қилмаётир, уни ин-софта келтирадиган бирор киши топилаётир.

массивида яшовчи И. Илёсов магазинларда савдо таш-килотлари раҳбарларининг ха-ридорлар билан учрашувлари йўлга қўйиш, маҳсу-лотларни идишларга солин-ган ёки ўралган ҳолда тар-моқларга чиқаришни кўпай-тириш зарурлигини тақлиф қилди.

«Оқшом»нинг доимий му-дирис Ш. Турдужаев сав-дода ишловчи ёш ходимлар ўртасида сийёсий тарбия-ни ишларни кучайтириш, мак-таб-магазин раҳбарларининг ўз ишини севадиган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги маъсулиятини ошириш масаласини ўртага қўйди. Савдо ва умумий оқ-атланиш корхоналарига аёл-лар ва қизларни кўпроқ жалб этиш хусусидаги талаб ҳам ниҳоятда ҳақли. А. Киселё-ва оқиндан-оқин ёзади:

«...савдо билан юртларига эришарлар қабул қилмаслик керак». Эътирозга ўрин йўқ: масаланинг қўйилиши тўғри.

Бу соҳада кўп иш қи-лишимиз керак. Чунки чакана савдода хотин-қизлар салмо-ни атига 65,2 проценти, умумий оқатланиш тармоқ-ларида 68 проценти ташкил этади, холос.

Савдо хизматини ях-шилаш борасида муай-ян ишлар амалга оши-рилмоқда, деб таъкидлади докладчи. Савдо хизматининг прогрессив усуллари, махсус магазинлар ташкил этилиши, савдо-сотикнинг меҳнат кол-лективларига яқинлаштири-лиши ааж олдирилмоқда. Ха-ридорларга қўшмача хизмат кўрсатиш ҳамини ошди. Ян-ги умумий оқатланиш кор-хоналари қурилмоқда, ни-ҳолда турганлар эса таъмир-ланмоқда, уларнинг техника-вий жиҳозланиши даражаси ошмоқда, маъмур корхона-ларда ишлаб чиқариладиган маҳсулот салмоғи ўсмоқда. Бозордаги нарх-навоини, у-мий аҳолини ўрганиш, саво-ат билан ўзаро муносабат яхшиланди, меҳнат ресур-сларини оқилона тарзда жой-жойига қўйиш имкони кў-жулда келди. Интизом, уюш-қонлик, тартиб даражаси ошди, демократизм куч-аймоқда, ошкоравийликка, ташаббускорликка кенг йўл очилмоқда. Булар-нинг ҳаммаси партиянинг қай-та қуриш бўйича қўйган талабларига мос тушаётир.

Ана шу натижага қўйган да-стлабни қадам деб қараш ке-рак, албатта. Ҳал этилмаган масалалар ва муаммолар жу-да кўп, уларнинг ечимини устида астойдил ишлаш за-рур.

Ҳозирги пайтда ижрокмо шаҳар меҳнаткашларини ўз иши ҳақида тўлароқ хаба-ро-дор этиш, муҳокама қилин-ган масалалар ва бу соҳада-ги қарорлар мазмун-моҳия-тини одамлар онига ет-казишга айтилмоқда. Айтиш мумкинки, ошкоравийликнинг янги, таъсирчан шакллари изланмоқда. Шаҳар ҳаётига доир энг муҳим масалалар

муҳокамасига фақат депутат-ларини эмас, меҳнаткашларни, Тошкентнинг намунали бў-лишини чин қалбдан истовчи жамийли кишиларни жалб этишга интиляймиз.

Кейинги пайтларда шаҳар аҳолисининг активлиги сези-ларли даражада ошди. Бу ту-шунарли ҳол, албатта. Чун-ки меҳнаткашларнинг ташаб-бускорлигига қанот бахш этилди, ҳалол-покиза яшовчи одамлар тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, эскирган, ўз умрини яшаб бўлган ил-латларга барҳам беришда партия ва Совет органларига астойдил ёрдамлашмоқдалар.

Биз етишимовчиликлар тў-ғрисида сўз юритишдан ҳа-йиқмайми, чунки Ленин ва-сияларига, партиямиз съез-дининг рўй-рост танқидча кенг йўл очиб қадагиди кўр-сатмаларига оғимай рияз етгимиз.

Шуни айтиш лозимки, бизнинг савдо-сотик соҳаси-даги ишларимиз КПСС XXVII съезди талабларига тўлача жавоб бермаётир. Қўпгина раҳбарлар эскинча иш усулидан дадил ҳалос бўлмаётир.

Тошкент аҳолисининг ха-ридорлар маълум бўлишича, савдо ва умумий оқатла-нишда халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг бу тармоқда раҳбарлигида қай-та қуриш чўлиб кетаяпти. Мен ҳам, деда докладчи, ижрокмо раиснинг ана шу соҳани бошқарувчи ўринбо-сари сифатида ўз фаоли-ятиндан мутлақо қониқма-яман.

Маъмур масалалар шаҳар ва район Советлари ижроия ко-митетларининг ҳар бир раҳ-бар, ҳар бир депутат, қай-си лавозимини эгаллаб тури-шдан катъий назар ҳар бир ходим ўйлаб кўрса арийдиган, астойдил ишлаш талаб қилинадиган муаммолар оз эмас.


Ўзаро ҳамкорликда иш тутган ҳолда мавжуд камчи-ликларга қисқа муддатда барҳам бериш, савдо хизма-ти савиясини КПСС XXVII съезди талаб этган даражага кўтариш мумкин.

Савдо-сотикдаги аҳолига шаҳарликлар берган баҳони таҳлил этар эканмиз, тар-моқдаги асосий етишимовчи-ликларни аниқлаб олишимиз зарур. Булар эса айнан бир хил товарларнинг доимий етишмаслиги, мол-маҳсулот-ларнинг сифати ёмонлиги, хизмат маданиятининг паст-лиги, совет савдоси қондала-рини бузиш ва ҳоказолардан иборатдир.

Савдо бош бошқармаси (Г. Мансуров), умумий оқатла-ниш бош бошқармаси (М. Усмонов), «Ташлодоовощ-пром» бирлашмаси (Ю. Ражабов) ана шу тармоқда ходимлар меҳнатининг самарадорлигини ошириш юза-сида аниқ-пукта ҳаракат про-граммасини ишлаб чиққанла-ри йўқ.

Савдодаги ўзгаришлар бу тармоқнинг саноат билан ў-заро муносабатларида қай-та қуришни амалга ошириш зарурлигини ўртага қўймоқда. Шунинг учун ҳам савдо кор-хоналари ва умумий оқат-ланиш тармоқларининг вази-фаси ишлаб чиқарувчи кор-хоналар билан биргаликда саноат ҳамда озиқ-овқат то-варлари сифатини яхшилаш, асортиментини кўпайтириш, аҳолининг талабини қондир-майдиган, сифатсиз мол-маҳ-сулотларнинг савдога чи-қарилишига йўл қўймаслик чо-раларини белгилашдан иборатдир.

Давом 2-бетда.



АДАШ ҚУРУВЧИЛАР

Ушбу суратда Сиз шахримиз бунёдкорла-ридан бири Ҳамид Қорабоевни кўриб туриб-сиз. Фақат уни машҳур қурувчи, Социали-стик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамид Қорабоев би-лан адаштирманг. Улар — адашлар. Ёши жи-ҳатидан донгдор ҳамкасбнинг фарзанди бўлишга лойиқ бу йигит 159-қурилиш трес-тининг 22-бошқармасида электр пайвандчи бў-либ ишлайди.

Ҳамид бешлигиданок қурувчи бўлишни, номи эл оғзига тушган ҳурматли ҳамкасби ка-би бири-бириндан кўркам, осмонлар бинолар бунёд этишни орзу қиларди. Армия хизма-тида юрган кезларида унинг бу орзуси қатъий қарорга айланди. Шунинг учун ҳам қарбй хизматдан қайтгач 22-қурилиш бошқармасига ишга келди. Омади бор экан. Бунёдкорлик касби сирларини у яна бир донгдор бинокор — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи Веньямин Стефа-нович Канакинскидан ўрганди. Дастлаб ду-

радгорлик қилди. Аммо осмонлар бино-ларини бевосита тиклаш орзуси унга тиячлики бермасди. Шу сабабли у ўтган йили электр пайвандчилик касбинини ҳам эгаллади. Ҳозир у тўртинчи разрядли, пайвандчи, Владимир Воронов бошлиқ монтажчилар бригадаси-нинг пешқадам аъзоси. Мазкур бригада коллектив яқинда шахримизнинг Юнусовод массивида яна бир ётоқхона биносини му-датидан тўрт ярм ой олдин фойдаланишга топширди. Бунда Ҳ. Қорабоевнинг ҳам муно-сиб ҳиссаси бор. Фидокорона меҳнати учун у «Коммунистик меҳнат зарбдори» номига сазовор бўлган, бир неча марта трест ва бошқарма фахрий ёрлиқлари билан тақдир-ланган. Мана, «Замондошимиз» сифатида уни ҳамшаҳарларимизга таништираялмиз. Вақти келиб у машҳур ҳамкасби каби донг таратса ажаб эмас.

СУРАТДА: Ҳ. Қорабоев. Т. Каримов фотоси.

Тонгги газеталарда

● КПСС Марказий Комите-ти Бош секретари М. С. Гор-бачев 20 октябрь куни таниқ-ли маданият арбобларидан бир группасини қабул қил-ди. Ана шу арбоблар Ч. Айт-матовнинг тақлифига бино-ан СССРга келиб, Қирғизис-тондаги халқаро учрашууда

қатнашган эдилар. (Учрашув ҳақида батаф-сил ҳисобот бугун тонгги га-зеталарда эълон қилинган).

● 20 октябрь кўни СССР Министрлар Советининг маж-лиси бўлди. Унда халқ хў-жалигининг шу йил 9 ойи мобайиндаги иш якунлари,

СССРни иқтисодий ва соци-ал ривожлантириш 1986 йилги Давлат плани ва СССР Давлат бюджетини ба-жариш соҳасидаги вазифалар ҳамда халқ хўжалигининг келаятган қиш фаслидаги иш масалалари кўриб чи-қилди.



МАМЛАКАТ МЕҲНАТКАШЛАРИ МЕҲНАТ УНУМ-ДОРЛИгини САБОТ БИЛАН ОШИРИНГИЗ! БУ-НИНГ УЧУН ҲАР БИР КОЛЛЕКТИВДА, ҲАР БИР ИШ ЖОЙИДА БАРЧА РЕЗЕРВЛАРДАН ФОЙДАЛА-НИНГИЗ!

КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқлардан.

Илғорларга интилиб

Хуршид кўчасида 221 ўринли тўқиз қаватли ётоқхона қури-лиш жадал суръатлар билан олиб бориляпти. Бинони 48-қурилиш тресига қарашли 48-қурилиш бошқармасининг Вла-димир Меҳов бошчилигидаги комплекс бригадаси қуряпти. Шу кунларда коллектив био-нинг олтинчи қаватида конст-рукцияларини монтаж қилиш

ишларини графикдан ярм ой ўзид адо этапти. «Тез, соз ва сифатли қура-миз» — шioriн остида меҳнат қилаётган бу коллектив бош-қармада яхши нол қозонган. Зеро, бригада аъзолари ҳақи-сиз илғорлар сифида бўлишга, бригада пудратининг имкони-ятларидан тўлароқ фойдала-нишга ҳаракат қилишяпти. На-тижа ёмон бўлмаяпти. Улуғ

Октябрнинг 70 йиллиги байра-мигача ўн иккинчи беш йил-лигининг иккинчи йили планини бажариш мажбуриятини олган коллектив ҳозирнинг ўзида ўн ойлик топириқини удалади. Бунда мусобақа пешқадамлари В. Назаров, Ю. Велитов ва В. Ҳазовнинг ҳиссаси катта бўлди.

Ф. МИХАЙЛОВ.



ПАХТАКОРГА МАДАКОРМИЗ

ДЕҲҚОНЛАР МИННАТДОР

Тошкентдаги экспериментал 1-автотранспорт ишлаб чиқа-риш корхонаси коллектив бир неча йилдан бўён Жикзах об-ластининг Октябрь районидаги Охунбобоев номидаги совхоз пахтакорларига оталиқ ёрда-мин кўрсатиб келаяпти. Кор-хона халқ ва хизматчилари ҳар йили бу хўжаликка бориб, техника воситаларини ремонт-дан чиқариб, ишга шай қи-ладилар, таърибали ҳайдовчилар эса машиналарни моҳирлик билан бошқардилар.

Бу йил совхозга кўрсатила-

ётган амалий ёрдам ҳам ба-ракабли бўлаяпти. Терим ма-всуми бошлангичи арафасида бу ёрда ўнта пахта териш ма-шинаси, ўнта подборщик, ўнта кўрак чувиладиган машина, эн-ликти принцип ва битта су-ташйидиган принцип ремонтдан чиқариб берилди. Учта авто-летучка ҳозир ҳам пахтакор-ларга яқиндан ёрдам кўрсат-япти.

Бундан ташқари таърибали такси ҳайдовчилардан тузилган механизаторлар отряди совхоз далаларида қизгин ишлямоқда.

Коммунист Сергей Фролов бригада бошлиғи қилиб та-йинланган би отряд ўз сафига 30 га яқин такси ҳайдовчиларни билаштирган. Пахта териш машиналарини моҳирлик билан бошқараётган В. Савонкин, В. Сафаров, А. Плутнов, А. Реб-ников, С. Файзуллин, Н. Фер-ченко, А. Бортунов ва бошқа-лар ҳар кунни турмонга тои-налеб дурдона тўқимшмоқда. Транспорт корхонаси азамат-лари хўжаликда шу мавсумда икки минг тонна пахта териб беришга бел боғланлар.

ОК ОЛТИН — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёр-лашининг бориши тўғрисида шу йил 21 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида) Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бўён.

Фарғона 1,31 89,82 Тошкент 2,13 84,46

Наманган	2,00	74,61
Сурхондарё	1,89	74,16
Сирдарё	2,07	72,83
ҚАССР	1,40	70,78
Хоразм	1,25	67,77
Бухоро	0,86	64,35
Андижон	2,33	58,70
Жикзах	2,09	58,28
Самарқанд	1,34	55,69
Навоий	1,18	45,90
Қашқадарё	1,09	43,21

Республика бўйича: 1,82 66,59

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Компартияси Акмал Икромов район коми-тетининг пленуми бўлиб ўт-ди. Унинг қатнашчилари КПСС XXVII съезди қарор-лари ва Ўзбекистон Компар-

тияси Марназий Комитети-нинг III пленуми қарорлари асосида идеология ишлари-ни янада такомиллаштириш бўйича район партия ташки-лотининг вазифалари тўғри-

сидаги масалани муҳокама қилдилар. Акмал Икромов район партия комитетининг секретари Ш. Х. Шукурова ана шу мавзуда доклад қил-ди.

Ун туққизинчи чакирик халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советинини саккизинчи сессияси

САВДО ИШИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

(Давоми, Боши 1-бетда).

Бу соҳада, меҳнаткашларнинг хатларида таъкидланган индек, анча етишмовчиликлар мавжуд.

Масалан, булка-кондитерия комбинатини (Д. Шеримедская) олиб қарайлик. У махсус ускуналар ва техника воситалари билан етарли таъминланган, аммо умумий ҳажмига нисбатан 2—3 процент миқдорда майда булоқчалар тайёрлашдан нарига ўтилмаётди. Саудо тармоқларининг парҳези нон-булка маҳсулотларига берган буюртмалар атиги 30—40 процент бажарилмоқда.

«Ташкентчи» ишлаб чиқариш бирлашмаси (А. Аюпов) тавдига ёпилган миллий неъматларини чала этилган миқдорда ишлаб чиқаришни турли сабабларга қўра ўзлаштирмаётди, савдога чиқарилаётган нон-булка маҳсулотларини асортиментини хилофатда чекланган.

Тошкент ёғ-мой комбинати (Т. Зиедудлаев) тайёрлаётган маргарин маҳсулотларини сифати пастлигига қўлмоқда. Аҳолининг салат тайёрлашда ишлатилган майга, майонез ва ўсимлик мойига бўлган талабини қондириш устида бош қотирилмаётди.

«Ташхудокомбинат» (А. Икхонмов), музаймоқни миқдор жиҳатидан ҳам, асортимент бўйича ҳам етарли етказиб бераёлмай.

Шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари бу масалаларни ўз назоратлари остига олишлари, уларнинг албатта ҳал этилишига эришмоқлари зарур. Шаҳар аҳолиси бундай маҳсулотларни мунтазам равишда, бутун йил кунини давомидида харид қилиш имкониятига эга бўлмоғи, уларнинг аёло сифатлигига, кенг асортиментига эришилганлигига эришилмоғи лозим. Бу бизнинг асосий вазифаларимиздан бири бўлиб, уни тегишли министрликлар, идоралар, корхоналар билан ҳамкорликда ҳал этишимиз керак.

Шаҳар партия ва совет органларининг қарорларига буювон 3.500 дан зиёд корхона, ташкилот, муассасанинг бир миллион ўз минг кишидан ортиқ ишловчиси ҳар ойда 4 килограмдан гўшт маҳсулотларини ишлаб қўйишда харид қилиш белгиланган. Бироқ, меҳнаткашларнинг хатларида маълум бўлишича, бу масалада ҳамма иш муваффақиятли бормайди. Гўшт маҳсулотлари етказиб беришда қондирган бузиллишга йўл қўйилмоқда. Саудо бош бошқармаси, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг касабасоюз комитетлари, халқ депутатлари район Советларини ижроия комитетлари бу соҳада жиддийроқ тартиб ўрнатишлари, иш жойларида гўшт маҳсулотлари сотилиш устидан назоратни кучайтиришлари зарур. Инавиладар, уруш қатълашлари ва йилнинг аёло бўлган бошқа тоифадаги кишиларни гўшт маҳсулотлари билан таъмин-

лаш ҳам тақомиллаштирилмоғи лозим.

Саудо корхоналари иш муддати бузилганлиги ҳақида ҳам эътирозлар билдирилмаётди. Махсус масалани бошқа иктомий муаммолардан ажратган ҳолда ҳал этиш мумкин эмас. Айрим граждандар «Гастроном» магазинлари иш муддатини соат 21—22 гача узайтириш, танаффус вақтини ўзгартиришнинг тақлиди етмаётди. Бу ишларнинг ҳаммаси синчиқлаб ўрганилмоқда, бироқнинг тармоқ корхоналари иш режимида тегишли тузатишлар киритилди. Лекин саудо ҳодимларининг фикрига ҳам қўлоқ солиш керак. Масалан, Тошкент марказий универмаги ҳодимлари (уларнинг 84 проценти болали аёллар ва қизлар) иш режими қайта қўриб чиқишни, мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бўлганидек дам олишни фақат иккунба кунига белгиланиши, иш пайтини ёзда соат 9 дан 21 гача, қишда эса соат 9 дан 20 гача қилиб белгиланиши сўрамоқдалар.

Марказий универмаг раҳбарлари, касабасоюз комитети, халқ депутатлари Ленин район Совети ижроия комитети аёлларнинг болали бочгаларига бўлган эҳтиёжларини, ана шу катта коллективнинг бошқа социал муаммоларини ҳал этиш чораларини қўришди лозим.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида халқ депутатлари Советларининг роилини янада ошириш ҳамда уларнинг социал-иқтисодий тараққиётни яқинлаштириш соҳасидаги маъсулиятини кучайтириш ҳақида» қабул қилган қарорига буювон маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига иккиламчи ресурсларни излаб топиш, хом ашё ва материалларнинг пландан ташқари тежаллиги, корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларда ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқроқ фойдаланиш йўли билан халқ истеъмолчи товларини қўшмача тайёрлаш, унинг ҳаммасини ўз ихтиёрида қолдириш ҳуқуқи берилди.

Айтиш керакки, маҳаллий пландлаштириш органлари бу ҳуқуқдан ҳозирча тўла-тўқис фойдаланмаётди.

Халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар ва район план комиссияларидан ана шу энг муҳим соҳада қайта қўришни амалга оширишни кутмоқдалар.

Республика Маҳаллий саноат министрлиги корхоналари ишига алоҳида эътибор бериш керак. Маҳаллий саноат бошқармаси (З. Акбаров) халқ истеъмолчи товлари сифатини яхшилаш, асортиментини янгилаш юзасидан таъсирчан чоралар қўрмаётди.

Бугунги кунда шаҳар саноат корхоналарининг атига 18 про-

центи саудо билан бевосита алоқа ўрнатилганлигини афсусланмасдан таъкидлаш мумкинми, ахир? Кейинги йилларда бундай корхоналар сонин бироқ ўнганга қўйилди. Тошкент шаҳри қудратли саноат потенциалига, аҳолининг нафақат олдиди, балки мураккаб халқ истеъмолчи товлари билан ҳаётини қондириш имкониятига эга бўлган бир шаҳарда шундай аҳвол рўй бермоқда. Демак, саудо ҳодимлари ва саноат корхоналарининг ҳужалик раҳбарларида ташаббускорлик етишмаётди.

Истеъмол товлари сифатини анча яхшилаш, асортиментини янгилаш, сифатсиз мол-маҳсулотларнинг саудо тармоғига тушиб қоллиши ҳолларига барҳам бериш йўлидаги ўзаро алоқаларни ривож топтироқ зарур. Саудо нормативдан ортиқча товлар ҳажминини қисқартиришдек резервдан ҳам унумли фойдаланиш лозим. Бугунги кунда босилиб қолган саноат молларининг умумий қолдирги қарийб 14 миллион сўмликни ташкил этади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг план комиссияси, районларнинг план комиссиялари чиқитилган халқ истеъмолчи товларида тайёрлаш, ҳозиргача саноатда ишлаб чиқарилаётган ана шундай мол-маҳсулотлар асортиментини янгилаш, эскирган ва харидорлар эҳтиёж сезмаётган нусхаларини ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш соҳасидаги яхши ишларни давом эттиришлари керак.

Умумий овқатланиш корхоналари фаолиятида кескин бурилди сезилмаётди, уларда аҳолига хизмат қўрашнинг яхшилаш имкониятларида етарли фойдаланилмаётди. Бир қатор саноат корхоналари, транспорт ташкилотлари, хизмат қўрашнинг жаҳбаси, олий ва ўрта махсус ўқув юрларида ошхоналар ҳамда буфетлар йўқ. Қўришни майдонларида, шаҳар пассажир транспортининг охири бекатларида иссиқ овқат ташкил этилишини кескин яхшилаш лозим. Бу масалалар халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетида қайта-қайта муҳокама этилди. Шунга қарамай Умумий овқатланиш бош бошқармаси, шаҳсан бошқарма бошлиғи М. Усмонов танқиддан тегишли ҳулоаси чиқармаётди, аҳолини сустнашлик билан яхшиламақда.

Тармоннинг материал-техника базасини мустаҳкамлаш ва неғайтириш мавжуд саудо майдонларидан фойдаланишни яхшилаш катта резерв ҳисобланади. Бу масалаларда, афсуски, жиддий камчиликлар ҳали ҳам рўй бераётди.

Капитал қурилиш бош бошқармаси, Саудо бош бошқармаси, «Главлташкентстрой»нинг қурилиш трестлари, «Узторгстрой» трестлари, «Узторгстрой» трестлари раҳбарларининг айби билан ўтган беш йилликда саудо-сотиқ корхоналари анчагина

ишлаб чиқариш майдонларини оломай қолди. Шаҳардаги кўпгина уй-жой микрорайонлари қурилишида комплексликл шартлари бузилди. Оқибатда бугунги кунда Юнусовда, Қорачида, Қўйлик, Тансиқбоев массивлари ва бошқа жойларда саудо тармоқлари етишмаётди, бу ҳаётда махсус массивларда ишловчилар ҳақли равишда шикоят қилмоқдалар.

Бундай аҳвол жорий йилда ҳам сўст тузатилмақда. Умуман шаҳар бўйича ҳозирги пайтда саудо майдонлари эҳтиёжга нисбатан 63 проценти, юқорида номлари келтирилган массивларда эса шаҳарда эришилган ўртача қўрашқичдан икки баравар камроқни ташкил этади.

Аслида Белоруссия, Украина, Грузия, Болтибуйи республикаларида уй-жой массивларини комплекс тарзда қуриш бўйича ижобий тажриба тулганган. Бу ерларда одатда микрорайонлар қурилиши саудо, умумий овқатланиш, маиший хизмат, халқ маорифи ва аҳолига хизмат қўрашувчи бошқа тармоқларни вужудга келтиришдан бошланади. Бироқ тажрибадан бизнинг шаҳаримизда ҳозирча фойдаланилмаётди. Бунга эса асосан Архитектура-пландлаштириш бош бошқармаси (А. Умаров), «Ташгипрогор» (Т. Шахсувария), «Ташгиплан» илмий тадқиқот институти (Ю. Мироничев), капитал қурилиш бош бошқармаси (В. Зақ), халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети план комиссияси (В. Котов) айбдордирлар. Чунки ана шу раҳбарлар уй-жой массивларини лойиҳалаш ва пландлаштиришда ташаббусдорлик, етарли қатъият қўрашмаётди.

Халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетлари қурилушлари комплекс тарзда олиб бориш муаммоларини ҳал этишда ўз ўринларини тогланлари йўқ.

Жорий йилнинг туққиз ойи якунларига буювон саудо объектларини ишга тушириш плани 50 процент бажарилди, ҳоло.

Шаҳар Совети ижроия комитети савдодаги номунасабонлиги баргараф этиш мақсадида айрим микрорайонларда «Тошкент» типигаги павильонларни ўрнатиш йўлини тутишга мажбур бўлди. Шу йил ана шундай павильонлардан ўтаси асосан Юнусовда, Қўйлик ва бошқа айрим массивларда ўрнатилади.

Саудо корхоналари қурилишида «Кисловедск» типигаги конструкторлардан ҳам фойдаланилмоқда. Шу йилнинг ўзида ана шундай комплекслардан бештасини қуриш мўлжалланган.

Аҳолини бутун йил давомида сифатли мева-сабзот маҳсулотлари билан таъминлаш халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг энг муҳим

вазифаларидан биридир. Бироқ бу соҳада ҳам етишмовчиликлар, ҳал этилмаган муаммолар кўп.

«Ташлодовозчик р о м» бирлашмаси, унга бўйсунувчи бунгилар қолхоз ва совхозлардан маҳсулотни ўз вақтида олиш, унинг узлуксиз сотилишини таъминлаш чораларини қўрамаётди. Оқибатда мева-сабзот маҳсулотлари асортиментини чекланганлигига, сифати пастлигига қўлмоқда.

Шу йилнинг 15 октябрга бундай маҳсулотларини тайёрлаш йиллик плани 65 процент бажарилди, ҳоло. Ҳисобот дарида шаҳар аҳолига 8 минг тоннадан қўроқ қарам, 2 минг тонна лавлаги, қарийб 5,5 минг тонна помидор, 1,5 минг тонна узум, 21 минг тонна мева кам етказиб берилди.

Махсус бошқарма фаолиятидаги асосий камчиликлардан бири шуки, у мева-сабзот маҳсулотларини тайёрлашда аҳолининг харид эҳтиёжларини эътиборда тутмаётди. Бирлашма ҳодимлари маҳсулот етказиб берувчилар билан шартнома тузганлигида принципизликка, келишувчиликка йўл қўймоқдалар, ҳужаликлардан бундай маҳсулотларни бир мева-сабзот бўлишига талаб қилмаётди, кўп ҳолларда мева-сабзот сараланмаган, ГОСТ талабларига жавоб бермайдиган ҳолда қабул қилинмоқда ва шу турилишча сотишга чиқарилмоқда. Буларнинг ҳаммаси, табиийки, харидорларнинг эътирозига сабаб бўлапти. Ана шу экинларни жойлаштириш, уларнинг ҳосилини босқич-ма-босқич териб олиш устидан умуман назорат ўрнатилмаган.

Ю. Ражабов раҳбарлик қилмаётган бирлашма ва унинг газаруфидига бунгилардан қайта қуриш мутлақо сезилмаётганини оқиқ айтиш керак! Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Шаҳар аҳолисини мева-сабзот маҳсулотлари ва картошка билан таъминлашни тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори тўласинча бажарилаётди.

Шаҳар Советининг бугунги сессияси мева-сабзот маҳсулотлари билан саудо қилувчи магазинлар қурилишини таъминлашдан корхоналарнинг — «Уртоқ» (А. Берлянд), қаноп (А. Фаёзуллаев) фабрикалари, булка-кондитер (Д. Шеримедская), 2-побайфа (А. Читалин) фабрикаси раҳбарлари жиддий эътироз билдиришга ҳақли.

Депутатларнинг диққатини махсус бирлашмада совет савдоси қондилари бузилганлиги ҳам қаратмоқчиман. Жорий йилнинг туққиз ойида назорат этувчи органлар, бошқарманинг ўз назоратлари томонидан мингдан ортиқ текшириш ўтказилди, шуларнинг 676 тасида харидорлар ҳақидан уриб қилиш, маҳсулотни кам тор-

тиб бериш, бошқа йўлар билан алдаш ҳоллари фош этилди. Турли ташкилотларга келмаётган хатлар ҳам худди шундан далолат беради.

Хуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органлар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан қайқовчилик қилиш фактларини қўлаб очиб ташлашди. Ана шу ва бошқа камчиликларнинг рўй бераётганлиги охири-охирида бозордаги яккасотларга қўл келмоқда, махсулот нархининг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу эса бозорлар бошқармаси нарх-навоини муволиқлаштириш масалаларида принципизлик ва қатъият қўрашмаётганлигидан далолат беради. Қолхоз бозорларида меҳнатсиз даромад ҳисобига яшаётган техникчилар, олибсотарлар, қайқовчилар оғз эмас. «Правда Востока» газетасининг 11 июль сонидан босилган «Чайқовчи бозордан чиқариб юборилсин!» сарлавҳали бош мақоласида қўйилган масалани жуда тўғри деб ҳисоблаймиз.

Афсуски, бозорлар бошқармаси бошлиғи П. Айрапетов шаҳар меҳнаткашларининг ана шу ҳақли талабини бажаришга шошылмаётди. Бугун беш ундан шаҳардаги қолхоз бозорларида давлат тартиб-қондасини изчил йўлга қўйишни талаб этамиз.

Тармоқда хотин-қизларнинг бандлиги муаммоси бутун ҳам бундан бир неча йил муқаддам бўлганидек ўтирилганга турибди. Ана шу йўналишда бутун бир тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, беш йилликнинг охирига бориб саудола ишлаб чиқариш хотин-қизлар салмоғини 75 процетга, умумий овқатланишда 80 процетга етказишга эришмоқ зарур.

Кўп кишилар саудо ҳодимлари ҳақида булар-булармас гапларни айтаверибди. Магазинда нимаки камчилик ураса, жумладан маҳсулотлар ва товарлар сифати учун ҳам сотувчилар сўрайди. Баъзан эса сотувчилар: сиз, харидорлар орасида ҳам ана шундай сифатсиз маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар, ўз вазифасини бажармайдиганлар, технологияни бузувчилар йўқми, дея ҳақли савол беришади.

Жорий беш йилликда товар обороти ҳажми 38 процетга оширилди, халқ истеъмолчи товлари ишлаб чиқариш қўлайитилиши, аҳолига саудо хизмати қўраштириш тубдан яхшилаш кўзда тутилмоқда.

Қўйилган вазифаларни бажариш нафақат саудо ва умумий овқатланиш ҳодимлари, шу билан бирга Советларнинг доимий комиссиялари, барча депутатлар фаолияти, ташаббускорлигига, ҳар ким ўз ишини тақомиллаштириш боришига бевосита боғлиқ.

Шундай экан, ҳар бири-

миз ҳар кун, ҳар соат куч-гайратимизни алмасдан ҳаракат қилишимиз, сўз ва иш биллиги ўртасида рўй бераётган тафовутни қисқартиришимиз, шу тариқа барча тошкентликларнинг ишончига савовор бўлмоғимиз керак. Аҳолига саудо хизмати қўраштириш борасида рўй бераётган камчиликларни жадал баргараф этиш зарур. Ички, аниқ-пухта кенг фронт бўйлаб, диққат-эътиборни асосий масалаларга қаратиб ишламоғимиз, одамлар меҳрини қозонмоғимиз, ҳар бир меҳнат коллективига еттиб бормоғимиз лозим. Бизнинг муваддас бурчимиз ана шу ва уни бажаришимиз шарт.

Кадрлар билан мунтазам ишлаш, ҳар бир ҳодимнинг шахсий масъулиятини ошириш талаб этилади. Қайта қуриш ҳаммаини ва ҳар бир кишининг ишига айланмоғи, у ошқоравиллик, онгли интизом, амалий ҳаракатлар билан уйғунлаштирилмоғи, камчиликларимиз ҳусусида ҳам, муаммолар ҳақида ҳам очиқ-ойдин фикр юритилишига эришилмоғи зарур.

Биз бундан буюн ҳам халқ билан доимий мулоқотда бўламиз. Чунки бизнинг пландларимиз одамлар онги ва қалбига етганда, улар томонидан қўллаб-қувватлангандагина сўзсиз бажарилиши мумкин. Кишиларга ҳар қачонгидан кўпроқ яқинлаштириш, меҳнаткашлар манфаатини қўлаб ишлаш, улар орқали ҳаракат қилиш бугунги кунда наҳоятда муҳимдир.

* * *

Халқ депутатлари шаҳар Совети доимий комиссиялар составига қисман ўзгартириш киритиш ҳақидаги тақлифларни қараб қилиш.

А. Н. Ефимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан шаҳар Советининг ёшлар билан ишлаш бўйича доимий комиссияси раиси вазифасидан озод этилди. Шаҳар Советининг ёшлар билан ишлаш бўйича доимий комиссияси раислигига Х. К. Муҳиддинов сайланди ва шу муносабат билан у шаҳар Советининг транспорт ва алоқа доимий комиссияси аъзолигидан озод қилинди.

Н. И. Емельянов Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланиши муносабати билан шаҳар Советининг энергетика бўйича доимий комиссияси раиси вазифасидан озод этилди. Шаҳар Совети энергетика доимий комиссияси раиси қилиб А. М. Мансуров сайланди ва шу муносабат билан у шаҳар Советининг маиший хизмат доимий комиссияси аъзолигидан озод этилди.

Сессияда Тошкент шаҳар суди аъзолари ҳақидаги масала ҳам қўрилди.

С. А. Исмоилов ва С. Қодиров Ўзбекистон ССР Олий суди аъзолигига сайланганлиги муносабати билан Тошкент шаҳар суди аъзолигидан озод этилдилар. С. Л. Ериция ва Т. Х. Назарова

Тошкент шаҳар суди аъзолари қилиб тасдиқландилар.

Г. П. Стрельцов, В. Ефремов, В. Б. Чарторижский, В. Н. Буниин, Г. Н. Гайкалов, В. Д. Солодов, Н. И. Емельянов, М. Ф. Алиев депутатлик ваколатларини соқит этиш ҳақида шаҳсан ариза берганликлари муносабати билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг «СССРда халқ депутатлари статуси ҳақида»ги қонуннинг 10-моддасига буювон шаҳар Совети юқорида номлари қўраштилган депутатларнинг ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилди деган қарорга келди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида 210, 451, 431, 23, 293, 209, 158, 61-округларда ўрни бўш қолган депутатлар ўрнига сайлов ўтказиш топширилди.

Сессияда ташкилий масалалар қўрилди.

В. К. Сачко бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг уй-жой майдонларини ҳисобга олиш ва тақсимлаш бошқармаси бошлиғи вазифасидан озод этилди.

А. Г. Лукин шаҳар физкультура ва спорт комитети раиси қилиб тасдиқланди.

Сессия М. З. Усмоновни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Умумий овқатланиш Бош бошқармаси бошлиғи қилиб тасдиқлади ва П. Ю. Урзоев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан бу вазифадан озод этилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Халқ маорифи бош бошқармаси бошлиғи қилиб М. Ю. Қосимов тасдиқланди.

Ишни барбод қилганлиги, меҳмонхоналар фондиди ҳисобга олиш ва ундан фойдаланиш устидан назорат ўрнатмаганлиги, бунинг оқибатида суъий равишда тақчиллик рўй берганлиги, суистеъмолчилик шартини вужудга келганлиги учун Н. М. Муталибов халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети меҳмонхоналар ҳўжалиги бошқармасининг бошлиғи вазифасидан бўшатилди.

Қўл остидаги хизмат ҳодимлари иши устидан етарли назорат ўрнатмаганлиги, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг шаҳарни ободонлаштириш тақомиллаштириш бўйича қабул қилган қарорларини бажармаганлиги, молия-ҳўжалик фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйганлиги, республика ва маҳаллий матбуот танқидига етарли эътибор қилмаганлиги учун халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ободонлаштириш бош бошқармасининг бошлиғи О. С. Расулов вазифасидан бўшатилди.

Шу билан сессия ўз ишини тамомлади.

ДЕПУТАТЛАР ТАКЛИФ ЭТАДИЛАР, МАСЛАҲАТ БЕРАДИЛАР, ТАНҚИД ҚИЛАДИЛАР

Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари Т. М. АХМЕДОВ нутқидан

— Районларни комплекс қурилиш зарурлиги тўғрисида жуда кўп марта турли йигилаларда гапириб ўтилди. Лекин афсуски, буларнинг ҳаммаси қорозда ва архитектура-пландлаштириш Бош бошқармасининг макетларида қилиб кетмоқда. Мисол қилиб, Собир Раҳимов районини комплекс қуриш талабларининг кўпол равишда бузиллигини дадил айтиш мумкин.

250 мингдан зиёд аҳоли ҳозирги кунда битта универсам, саудо комплекси билан қаноатланишга мажбурдир. «Марказ-17/18» массивида олти пиллаштирилган магазин қурилмади. Худди шундай аҳолини Тансиқбоев, ТошМИ, Б-3 массивларида ҳам қўриш мумкин. Бир неча йилдан бери Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармаси Беруний кўчасида саудо маиший комплекс қурилиши учун пудратчи топа олмади.

Саудо корхоналарининг таъминлашнинг жиҳатидан район умумшаҳар даражасидан анча орқада. Бу ҳам етмагандек мавжуд магазинларнинг қарийб 40 проценти савдонинг замонавий методаларга мосламаларини билан кишини ҳайратга солади. Уларнинг кўпчилиги юк-лаштириш ишлари бажарадиган механизация билан таъминланмаган. Магазин ичидан молларни жойлаштириш ночор аҳволда, мева-сабзот маҳсулотларини қадоклайдиган механизация ва автоматлар сустлик билан жорий қилинмоқда.

Буларнинг ҳаммаси озиқ-овқат маҳсулотларининг асосиз равишда нобуд бўлишига олиб келмоқда, уларнинг истеъмолчилик хусусиятини сақлашга салбий таъсир этмоқда.

Район савдоси моддий базасининг муҳим қисмида-

ги қониқарсиз аҳвол социал характердаги салбий томонларга ҳам эга. Партия, совет органлари, жамоат ташкилотлари аҳоли орасидаги ишламаётган хотин-қизларни иктомий-фойдали меҳнатга, шу жумладан саудо ва маиший хизмат соҳасига жалб қилишга даъват этилганлигидар.

Лекин беш ҳозир эслаб ўтган магазинларда хотин-қизлар ишлашга рози бўлишарми? Ахир бу ерда ҳар кунги бир неча тонналаб маҳсулотлар бир жойдан иккинчи жойга қўлда ташилдику?

Саудо корхоналарини лойиҳаллаштириш даражаси ҳозирги кун талабларидан анча орқада қолмоқда. Шу кунгача бир қатор лойиҳаларда меҳнат унумдорлигини ошириш, янги техника ва илгор технологияни жорий этиш кўзда тутилмаган.

Шаҳар саудо Бош бошқармаси саудо тармоғини жойлаштиришга йўл қўйган кўпол нуқсонлари нафақат истеъмолчилик даражасига, балки аҳолининг кайфиятига ҳам салбий таъсир қўрашмоқда.

Биз инсон омили ҳақида қўлаб гапирамиз, уни фаоллаштириш йўллари излаيمиз. Айни вақтда ана шундай пухта ўйланмаган ҳўжалик ишлари билан ўз куч-гайратимизни йўққа чиқарамиз.

Тошкент экспериментал фурунтура-пластмасса заводининг йиғувчи-слесари Е. П. МАКЛЕЦОВА нутқидан

— Саудо хизмати ташкилотларида ижобий тажрибани излаб, узоққа бориш шарт эмас, деб ўйлайман. Мен ёзда Минск шаҳрида бўлдим. У ердан олган ўз таассуротларимни гапириб бермоқчиман.

Помидорлар навлярига қараб сотилди. Йирки, сараланганларининг бир килограмми 50 тийин, майдалари эса ўн тийин. Сақланиш муддати ўтган, лекин лаборатория ҳулоасига қўра истеъмол қилишга яроқли

деб топилган балиқ қонсервалари ярим баҳосидан кўпроқ арзонлаштирилиб сотилди.

Мана бир мисол: агар магазин ремонт қилинмаётган бўлса «Кечирасиз, сиз учун ремонт қилилмиш» деган ёзув осиб қўйилган. Бизнинг заводимиз ёндаги Фрунзе райони озиқ-овқат савдосига қарашли 3-магазин ишламай қўйганига бир йилдан ошди. Яхшигина бино ўз хизмати ни адо этмаётганлиги, у ердаги жиҳозлар нидан чиқарганлиги, ҳулласи, халқ мулки яросиз қолга келаётганлиги

логин қирилатади. Аммо инсонлардан айримлари борки, улар ҳам баъзан кулларини кучсиб бир хил ҳаракат билан қирилгатадилар.

◆ Соч — ҳусн ва безак учундир. Масалан, кўз атрофида сийдади қиприқ ва икки қўш қаб.

◆ Баъзан, бирор бетоб-

лиши ва уш эрдати ингичади
лиши — нозиклиқдир.

◆ Шодлиқнинг кўп бўлиши баданнинг ярайси демакдир. Баъзан ортиқчи семирши рух озор беради.

◆ Гўл хушбўйлиги билан рух жахварига ёнимлидир.

◆ Енгил ва уш кўп бўлиши сувини сифати яхшиликни билдилади.

Бел оғриғи қандай дард?

Ибди деб аташди. Умуртка-
рлар орасида пайдо бўлган,
оқордида айтиб ўтилган Уга-
ларлар вада мининг ёки орқа-
лигида қалдирилган заҳирий
ушбу бел-думгага радицили-
ни ажулда келтириш мум-
кин.

Касаллиқнинг бошланиши
дуйнча оғир юк кўтарганда
кинг гавдасини кескин ҳаракат-
лангандаги беморнинг бел
олисида қаттиқ оғриқ пайдо
бўлади. Бу оғриқ юк кўтарил-
ган ётдагидан бўлса, оғриқ к-
мавди. Текширилиб қўрил-
ди ва кўпчилиқ беморларга ум-
ла поғонли шаклнинг қолган-
га ётиш оғирлиқ кичиклиги
аниқланган. Беморини чалти-
қтизиб, касал оёғини ростла-
тиб юкорига қўтарилса, о-
ғирин орқа оюсида оғриқ се-
лади. Бемор оёқларини ти-
бугимидан бугмасдан тур-
гўлларини ерга теккизиш
юрилганда ҳам худди шун-
дан оғриқ сезилди.

Хамшаҳарлар, Сизлар учун



Бугунги кунда шаҳримизда турар жой биноларини маданий-маиший объектлар билан комплекс тарзда қуришга кўпроқ эътибор берилмоқда. Янги микрорайонларда умумий овқатланиш, сав-

до корхоналари, медицина муассасалари қад кўтармоқда. Чунинчи, шаҳримизнинг Куйбишев райониди аҳоли учун қулайликлар яратиб берилмоқда. Яқинда Луначарское шоссесидаги «Салом» ошхонаси

рўпарасида тўрт блокдан иборат тўққиз қаватли кўркам уй фойдаланишга топширилди. Бу ерда яшувчилар биринчи қаватга ўқиб қурилган нон магазини, дорихона, оптика магазини ва 19-бололар поликлиникасининг хизматидан

фойдалана оладилар. Сурада: Луначарское шоссесидаги янги кўп блокли уй, шу уйнинг биринчи қаватида очилган дорихонанинг ташқи кўрinishи.

Х. Мирзакаримов фотоси.

Янги ателъе

(Шингил ҳажвия)

Хурматли радиошунтувчилар! Сизларга маълумки, кунин-кеча шаҳримизда янги, юқори разрядли «Эртак» ателъеси ўз эшикларини очди. Келинг, «Эртак»-ка, аниқроғи, ателъенинг кенг залларига ташриф буюрайлик. Ёп-ёруғ зал, дубдан ишланган панеллар, фойедаги гуллар дилни равшан қилади. Қулай креслоларда буюртмачилар янги газета-журналларини кўздан кечирмоқдалар.

Мана, кийим ўлчаيدган хонадан биринчи мижоз чиқиб келди. Унинг энида янги молада тикилган, жуда ҳам бежирим костюм. Бизнинг биринчи саволимиз ҳам худди шу кишига:

— Салом! Марҳамат қилиб айтингчи, костюмингизни шу ателъеда тикишдими?

— Ҳа.

— Сизга ёқадими?

— Жуда ҳам.

— Агар сир бўлмаса, неча кунда битди?

— Уч кунда.

— Атиги уч кунда? Бунақа ажойиб материални қаердан олдингиз?

— Бичувчи Сидорук менга материал ташлашда ёрдам берди.

— Костюмингиз фасонини-чи?

— Фасонини модалар журналининг янги сонидан олдим. Ана, столда ётибди.

— Мана буни сервис деса бўлади! Ателъе ишчиларига бирор нарса демоқчимиз-сиз?

— Уларга чини қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

— Сунгги савол. Малол келмаса, исми-фамилиянгизни ва иш жойингизни айтсангиз.

— Жоним билан, Сергей Борисович Зубов. Шу ателъенинг директори.

Р. ШАРОПОВ таржимаси.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

реклама эълонлар реклама

Фарзандларингиз учун

ОНЛАДА ФАРЗАНД ТУГИЛИШИ ЭНГ ҚУВОНЧЛИ ВОҚЕАДИР.

Бўлғуси ота-онанинг бу қувончли арафада қатор юмушлари бор. «Янги меҳмон»га аёл ва йўрган, қалпоқча ва кўйлақчалар сотиб олиш керак.



«БОЛАЛАР ДУНЕСИ» чакана савдо фирмасининг магазинларида чақалоқлар учун ҳамма нарса мўҳайё. «МАЛИШ» (Халқлар дўстлиги проспекти, 6-«а» уй) МАГАЗИНИДА: чақалоқлар учун КОМПЛЕКТлар, жуи аралашган, пахтали АДЕЛЛАР, ПИЖАМАЛАР, ҚАЛПОҚЧАЛАР, ПОЛЗУНКИЛАР, АДЕЛ ЧОЙШАБЛАРИ сотувга қўйилган.

«БОЛАЛАР ДУНЕСИ» ЧАКАНА САВДО ФИРМАСИ.

Куз ва қиш либослари САВДО-КЎРГАЗМАСИ

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ

7-«ПЕРСПЕКТИВА» МАГАЗИНИДА
23 ОКТЯБРЬ СОАТ 16.00 ДА

Республика кийимлар уйида тайёрланган

КУЗГИ ВА ҚИШКИ ЛИБОСЛАР МОДЕЛЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

Намоийшдан кейин магазинда «Қизил тоғ», «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги», «Малика» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаларида тайёрланган тикув, трикотаж буюмлари янги моделлари савдо-кўргазмаси ўтказилади.

«ПЕРСПЕКТИВА» МАГАЗИНИ АДРЕСИ: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 3-«а» уй (метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси).

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИ (телефон 45-53-60).



ХУРМАТЛИ ФОТО ВА КИНОХАВАСКОРЛАР!

«СВИТЯЗЬ»
Оптика асбоблари ремонт ва прокат ҳамда кино аппаратлари ремонт ателъеси. СССРда ишлаб чиқарилган барча маркадаги аппаратларнинг кафолатли ремонт қилади ва
ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТАДИ
Ателъе шунингдек ташкилотлар ва корхоналарнинг ана шундай буюмларини пул ўтказиш йўли билан ремонт қилади.
«РАССВЕТ» Марказий реклама савдо ташкилоти.

СТРАХОВАНИЕНИНГ БУ ЯНГИ ТУРИ 1986 ЙИЛНИНГ 1 СЕНТЯБРИДАН БОШЛАБ БАРЧА УМУМИЙ УРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА 1 СИНОДАН 10 СИНОГАЧА БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.

Страхованиенинг бу янги тури шу билан диққатга сазоворки, 1 дан 30 сентябргача сугурта шартномаси тузилган ёки йўқми, аззолик бадали тўланганми ёки йўқми, бундан қатъий назар ўқувчи страхование қилдирилган ҳисобланади.

Ота-оналар страхование шартномаси тузишган бўлса ўша ўқувчи октябрь ойдан бошлаб страхование қилдирилган ҳисобланади.

МАКТАБ ЎҚУВЧИНИНГ ҚАЕРДА ВА ҚАНДАЙ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛДИРИШ МҲУМКИН?

Страхование шартномалари ҳар йилнинг 1 сентябридан 30 сентябргача мактабда тузилади. Бунинг учун страхование агенти — мактаб ходимларидан бирига 2 сўм нафд пул тўланади. Аззолик бадали тўланганидан кейин страхованиегига белгиланган формада страхование гувоҳномаси бериллади.

Страхование шартномаси мактаб ўқувчисининг ота-онаси ёки бошқа қариндош-уруғлар томонидан (бола улар билан бирга яшётган бўлса) 1 йил муддатга (1 сентябрдан 31 августгача) 1000 сўм пул юзасидан тузилади.

Мактаб ўқувчиси каникул кунларида ҳам, шунингдек бир йил мобайнида бошқа мактабга ўқишга кўчиб ўтганда ёки янги турар жой адресига кириб борганида ҳам страхование қилдирилган ҳисобланади.

Давлат страхованиесининг исталган инспекциясида мактаб ўқувчиси страхованиеси қондалари билан батафсил танишиш ва тегишли маслаҳатлар олиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ БОШ БОШ. ҚАРМАСИ (телефон 33-54-73). «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОК БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

САБЗАВОТ ҚИШДА ҚАЕРДА САҚЛАНАДИ?



ҚИШ ФАСЛИДА САҚЛАШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН.

ЭЛЕКТРОНАГРЕВАТЕЛЬ ВА ҲАРОРАТ ДАТЧИИ ШКАФДАГИ ҲАРОРАТНИ БИР ХИЛ МАРОМДА (0 дан +15 даража иссиқгача) САҚЛАЙДИ.

ТЕРМОКОНТЕЙНЕРНИНГ ПАНЖАРАЛИ ЖАВОНЛАРИДА 200 КИЛОГРАММАГАЧА КАРТОШКА, САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАРНИ БЕМАЛОЛ АСРАШ МҲУМКИН.

Баҳоси — 200 сўм.

Агарда КВАРТИРАДА ТЕРМОКОНТЕЙНЕР БЎЛСА САБЗАВОТЛАРНИ САҚЛАШ МҲУМКИН. БУ МАХСУС МЕТАЛЛИ ШКАФ БЎЛИБ САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАРНИ

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.

Ўқувчилар страхованиеси



КУЗ ВА ҚИШ УЧУН



ЯНГИИЎЛ ПОИАФЗАЛ ФАБРИКАСИ

БОЛАЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЭТИКЧАЛАР ВА БОТИНКАЛАРНИ СОТИБ ОЛИШНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.

БУЛАР КАМ СЕРИЯДА ЧИҚАРИЛАДІГАН ЯНГИ МОДЕЛЛАРДІР. Маҳсулот қулай, енгил, чиройли иш-

ланган. Бу пойфазалларда чармлар хиллаб ишлатилган, велюр, жим-жимали чойлар, фурнитуралар билан безанланган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИХА-КОНСТРУКТОРЛИК ТЕХНОЛОГИЯ БҮРОСИ (телефон 41-54-21).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-35, 37, 32-53-83; саноат ва қурилиш — 32-57-84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 32-28-95, 32-55-32; хатлар — 33-29-70; мамоатчилик редакцисини — 33-99-42, 32-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22/Х да Севги турмури, 23/Х да Дон Карлос, 24/Х да Оққуш кўли.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/Х да Курорт, 23/Х да Асрга татигулик кун, 24/Х да Юлдузлар тўнлар.

МУЖИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/Х да Лайли ва Мажнун, 23/Х да Чароғондир чўлда юлдузлар, 24/Х да Паранжир сирлари.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА 22/Х да Зинила, (19.00), 23/Х да Узоқ қишлоқ, 24/Х да Вагончик (рус тилида).

КИНО

22 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КОТИЛЛИКДА ҚАТНАШГАНЛАР» — Санъат саройи (катта зал, 18.40, 21.00; телефонлар 44-21-44, 44-21-34), Чайка (17, 18.45, 21.00; телефон 76-06-20), Ватан (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30, телефон 75-54-39).

«БОЛАЛАР БОҒЧАСИ» — Санъат саройи (кичик зал, 17, 20.00).

«СЕВГИ АФСОНАСИ» — Нукус (16, 18.30, 20.45; телефон 46-70-69).

«КАДИМИЙ РУСЬ» — Қозғонистон (17, 18, 20.00; телефон 35-24-92).

«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ» — Дружба (ҳар соатларда).

«МЕН ҚЎРҚАМАН» — Тошкент Советининг 50 йиллиги (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да).

«РАҚСА ТУШИШНИ УРГАН» — Восток (16, 18.20, 21.30; телефон 91-14-61).

«КИМ ВА ҚАНДАЙ» — Тинчлик (16, 18.30, 21.00).

«ОЛТИН ЛАНГАРЛИК ЗАРМЕНИ» — Искра (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), Лисув номили (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ИТАЛЬЯНЧА АЖРАЛИШ» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда).

«ТОШЛОҚДА ҲАМ ДАРАХТ УСАДИ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (16, 18.30, 21.00).

23 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КОТИЛЛИКДА ҚАТНАШГАНЛАР» — Санъат саройи (катта зал, 10.40, 13, 15.20, 18.40, 21.00; телефонлар 44-21-44, 44-21-34), Чайка (11, 13, 15, 17, 18.45, 21.00; телефон 76-06-20), Ватан (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да, телефон 75-54-39).

«БОЛАЛАР БОҒЧАСИ» — Санъат саройи (кичик зал, 11.30, 14, 17, 20.00).

«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ» — Нукус (12, 15, 17, 19, 20.40), Дружба (ҳар соатларда), ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда).

«ХИТОЙ СИНДРОМИ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да).

«КИМ ВА ҚАНДАЙ» — Восток (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), Тинчлик (13, 16, 18.30, 21.00).

«ОЛТИН ЛАНГАРЛИК ЗАРМЕНИ» — Искра (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), Лисув номили (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ОЧИНГ, ПОЛИЦИЯ» — К. Ерматов номили (тоқ соатларда, телефон 33-44-52).

«ТОШЛОҚДА ҲАМ ДАРАХТ УСАДИ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 23/Х да Тошкентда биринчи марта «ИЙРҚИЧ ҲАЙВОНЛАР» АТТРАКЦИОННИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

«ЮБИЛЕЙ»

МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

СССР Биринчилиги учун Биринчи лига командалари ўртасида

ХОККЕЙ

25-28 октябрь соат 17.00 да

«БИНОКОР» (Тошкент) — «СИБИРЬ» (Новосибирск)

Билетлар «Юбилей» марказий спорт зали жассида сотилмоқда.

Справалар олиш учун телефонлар: 46-07-53, 46-68-77 — администратор; 46-03-12, 46-70-31 — касса.